«ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШ ВА УГЛЕРОД НЕЙТРАЛЛИГИГА ЭРИШИШДА МОЛИЯВИЙ ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИ

Эгамкул Исмаилович Носиров
ТДИУ доценти

Аннотация.
Мақолада атроф-муҳитга зарарли газларни чиқарганлик учун солиқ тўловлари ва чиқиндилар билан савдо қилиш тизимини жорий қилиш масалалари тадқиқ этилган. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида зарарли газлар учун солиқлардан тушган тушумлардан самарали фойдаланиш ҳамда солиқларнинг жамият аъзолари ва иқтисодиётга салбий таъсирининг пасайишига олиб келиши мумкин бўлган ёндашувлар таҳлил қилинган. Иссиқхона газлари чиқарилишини камайтиришга амалий ҳисса қўшиши мумкин бўлган молиявий воситаларни жорий қилиш юзасидан таклиф-тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: «яшил» ўсиш, углерод нейтраллиги, молиявий воситалар, углерод бозори, углерод солиғи, углерод квоталари, «яшил» лойиҳалар, чиқиндилар билан савдо тизими.

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ФИНАНСОВЫХ ИНСТРУМЕНТОВ ДЛЯ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЗЕЛЕНОГО РОСТА ЭКОНОМИКИ И ДОСТИЖЕНИЯ УГЛЕРОДНОЙ НЕЙТРАЛЬНОСТИ

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы налоговых платежей за выбросы вредных газов в окружающую среду и внедрение системы торговли отходами. На основе опыта развитых стран проанализированы эффективное использование доходов от налогов на вредные газы и подходы, позволяющие снизить негативное влияние налогов на членов общества и экономику. Даны рекомендации по внедрению финансовых инструментов, которые могут внести практический вклад в сокращение выбросов парниковых газов.

Ключевые слова: «зеленый» рост, углеродная нейтральность, финансовые инструменты, углеродный рынок, налог на выбросы углерода, квоты на выбросы углерода, «зеленые» проекты, система торговли выбросами.

FOREIGN EXPERIENCE IN USING FINANCIAL INSTRUMENTS TO ENSURING GREEN GROWTH OF THE ECONOMY AND ACHIEVE CARBON NEUTRALITY

Abstract. The article discusses the issues of tax payments for emissions of harmful gases into the environment and the implementation of a waste trading system. Based on the experience of developed countries, the effective use of revenues from taxes on harmful gases and approaches to reduce the negative impact of taxes on members of society and the economy are analyzed. Recommendations are given for the introduction of financial instruments that can make a practical contribution to reducing greenhouse

gas emissions.

Key words: green growth, carbon neutrality, financial instruments, carbon market, carbon tax, carbon quotas, green projects, emissions trading system.

Кириш

XX асрнинг дастлабки йилларидан бошлаб ҳозирги пайтга қадар дунё миқёсида нефтъ, газ, кўмир ва бошқа таббий ресурслардан фойдаланиш ҳажмининг муттасил ўсиб бориши глобал иқтисодий тараққиётни таъминлашда муҳим омил бўлди. Бизга маълумки, қазилма бойликларини инсониятга табиат инъом этган ва бундай ресурсларни яратишга ҳеч ким сармоя киритмаган. Таббий ресурслардан тартибсиз ва ўз билганича фойдаланиш натижасида сайёрамизда охирги икки асрда ҳарорат даражаси ўртача 1°Сга кўтарилди. Иқлим ўзгаришлари глобал миқёсда инсонларнинг соғлиги, турмуш тарзи ва яшашига таҳдид солаётганлиги сабабли кўп сонли мамлакатлар иқлим ўзгаришларига қарши фаол курашиб келмоқда.

Иқлим ўзгаришларига қарши курашиш катта ҳажмдаги маблағларни талаб қилганлиги боис, ҳукуматлар бу борада ички ва ташқи молиялаштириш манбаларидан ҳамда турли молиявий воситалардан самарали фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда. Мазкур тадқиқот ишида биз асосий эътиборимизни иқлим ўзгаришларига қарши курашиш ва «яшил» ўсишни таъминлашда молиявий воситалардан фойдаланиш, хусусан углерод солиғини жорий қилиш ва квоталар билан савдо қилиш хусусиятларига қаратамиз.

Ривожланган мамлакатларда, ҳукумат одатда бирон бир солиқ тўловини жорий қилишдан олдин фуқаролар ва иқтисодиёт субъектларига мазкур солиқ турини киритишдан кўзланган мақсад, маблағларнинг ишлатилиш йўналишлари ва эришиладиган натижалар тўғрисида аниқ маълумотларни беришга ҳаракат қилишади. Мисол учун, кун тартибидаги масала юридик шахсларга углерод солиғини жорий қилиш тўғрисида бўладиган бўлса, иссиқхона газларининг атроф-муҳитга кўп миқдорда чиқарилиши натижасида жамият аъзоларининг моддий ва ижтимоий йўқотишлари ҳамда солиқ тўловларини амалиётга киритиш натижасида иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ сон ва сифат жиҳатдан кутиладиган ўзгаришлар борасидаги маълумотлар кенг омма эътиборига етказилади. Бундай ҳатти-ҳаракатлар ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларнинг атроф-муҳитга кўп зарар келтирувчи маҳсулотлардан фойдаланишни камайтиришни рағбатлантиради ҳамда зарар келтирмайдиган ёки кам кам зарар келтирувчи муқобил йўлларни топишга ёрдам беради.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Глобал миқёсда иқлим ўзгаришларига қарши курашиш ва «яшил» ўсишни таъминлаш билан боғлиқ лойиҳаларни амалга оширишда ҳукуматлар ва бизнес субъектлари халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда турли молиявий воситалардан фойдаланмоқда. Мазкур тадқиқот ишимизда биз маҳаллий ва хорижий иқтисодчи олимлар ҳамда халқаро ташкилотлар экспертларининг дунёнинг турли мамлакатларида иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ фаолиятни молиялаштиришда қандай воситалардан фойдаланаётганлигини ўрганиб чиқамиз.

Институционал инновациянинг бир тури сифатида “яшил” молиялаштириш

сиёсатини қўллаш атроф-муҳитни кўпроқ ифлослантирадиган компаниялар учун молиявий чекловларнинг кучайишга олиб келмоқда. Бу эса, компанияларнинг атроф-муҳитни ифлослантириш борасидаги ҳаракатларини ижобий тарафга ўзгартириши мумкин. Молиявий институтлар ва корхоналарни “яшил” молиялаштириш сиёсати орқали кўпроқ экологик ва ижтимоий масъулиятни ўз зиммасига олишга ундаш ресурсларни тақсимлаш ва “яшил” ривожланиш самарадорлигини оширишнинг самарали усули бўлиши мумкин [1].

“Яшил” ўсиш иқтисодий ўсиш ва ривожланишни рағбатлантиришни англатади, бунда табиий активлар сақланади ва ресурслар ва экотизим хизматлари узлуксиз тақдим этилади. Бизнинг фаровонлигимиз уларга боғлиқ. Бунинг учун яшил ўсиш барқарор тараққиётни таъминлайдиган ва янги иқтисодий имкониятлар пайдо бўлишига олиб келадиган инвестициялар ва инновацияларни рағбатлантириши ҳамда улардан кенг фойдаланиши керак [2].

Халқаро углерод бозорлари иқтисодий жиҳатдан самарали глобал иссиқхона газлари чиқиндиларини камайтиришда муҳим рол ўйнайди. Дунё бўйлаб углерод эмиссия савдоси тизимлари сони ортиб бормоқда. Европа Иттифоқи углерод савдоси тизимидан ташқари, Канада, Хитой, Япония, Янги Зеландия, Жанубий Корея, Швейцария ва АҚШда миллий ёки минтақавий савдо тизимлар йўлга қўйилиб, фаолият олиб бормоқда [3].

Жаҳон банкининг инновацион лойиҳаси кўмагида Ўзбекистон иссиқхона газлари чиқиндиларини камайтириш ва халқаро углерод бозорларига чиқишга ҳаракат қилмоқда. Лойиҳа доирасида тақдим этилган 46 миллион 250 минг АҚШ доллари миқдоридаги грант энергия субсидиялари ислоҳоти доирасидаги чора-тадбирларни рағбатлантиришга йўналтирилади. Хусусан, лойиҳа Ўзбекистонга «углерод кредитлари» йиғиш ва уларни халқаро углерод бозорларида сотиш имконини беради. Ушбу лойиҳа Ўзбекистон ва Марказий Осиёда Париж келишуви доирасидаги биринчи шундай халқаро ташаббус бўлиб, мамлакатга углерод бозорларига кириш имконини беради [4].

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотнинг методологик асосини иқлим ўзгаришларига қарши курашиш ва «яшил» ўсишни таъминлашда молиявий воситалардан фойдаланиш билан боғлиқ назарий қоидалар ўз ичига олади. Илмий изланиш жараёнида иқтисодий ҳодисаларни ўзаро боғлиқ ҳолда ўрганиш имконини очиб берувчи диалектика усулидан фойдаланилди. Тадқиқот жараёнида изланиш объектига тизимли ёндошув сифатида график усуллар, гуруҳлаш ва таққослаш, таҳлил ва синтез усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Иқлим ўзгаришларига қарши курашишда атроф-муҳитга зарарли чиқиндиларни чиқаришни камайтиришни рағбатлантириш воситаси сифатида бозор ва тартибга солиш механизмларидан самарали фойдаланиш мумкин. Бу борада дунёнинг кўпчилик давлатларида атроф-муҳитни ифлослантирганлик учун солиқлар белгиланган ёки иссиқхона газларини чиқарганлик учун квоталарга

тўловлар жорий қилинган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ташқи омилларни харажатлар таркибига киритиш атроф-муҳитга зарарли таъсирларни босқичма-босқич камайтиришга олиб келади ҳамда углеродсиз иқтисодиётга эришиш учун муҳим восита ҳисобланади. Атроф-муҳитга зарарли чиқиндиларни чиқарганлик учун тўловларни жорий қилиш маҳсулотлар нархининг мутаносиб равишда ошишига олиб келади. Бундай ҳолатда, ҳар қандай маҳсулотнинг баҳоси унинг атроф-муҳитга таъсирини акс эттиради. Бу эса, истеъмолчиларни атроф-муҳитга зарари тегмайдиган ёки таъсири камроқ бўлган маҳсулотларни сотиб олишни рағбатлантиради. Ўз навбатида, бундай восита табиатга етказадиган зарари юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ва савдосининг камайишига олиб келади.

Шу билан бирга, зарарли чиқиндиларга нарх белгилаш бюджетга қўшимча даромад келтиради. Бюджетга тушган бундай маблағлардан иқлим ўзгаришларининг олдини олишга қаратилган қулай технологияларни яратиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари учун энергия тарифларининг ошган қисмини қоплаш, шунингдек, атроф-муҳит билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин.

Углерод чиқиндилари учун тарифларни жорий қилиш бўйича етакчилар Каолицияси тавсияларига кўра, қачонки, 2030 йилгача бир тонна CO_2 углерод чиқиндиси учун 40-80 АҚШ доллари оралиғида, 2050 йилгача эса, 130-150 АҚШ долларигача бўлган миқдорда нарх белгиланса, Париж келишуви мақсадларига эришиш мумкин бўлади [5]. Бироқ, дунёнинг аксарият мамлакатларида углерод чиқиндилари учун амалдаги тўлов нархлари ва бу борада кутилаётган нархларнинг ўсиши юқорида қайд этиб ўтилган чегарга етиб бормайди.

Дунё миқёсида углерод чиқиндилари учун нархни белгилашда иккита асосий воситадан фойдаланилади. Булар: чиқиндилар билан савдо тизими (ETS, Emission Trading Systems) ва углерод солиғидир.

ETSда ҳукумат тизимли равишда иссиқхона газлари чиқарилишини чегаралайди ва корхоналар ўртасида иссиқхона газларини чиқариш бўйича бепул квоталарни тақсимлайди. Назарий жиҳатдан олиб қараганда, ҳеч қандай иқтисодиёт субъекти йиллик чиқариши мумкин бўлган жами чиқиндилар ҳажми учун бепул квотага эга бўлмаслиги керак. Квоталар тақсимлангандан сўнг, корхоналар чиқиндиларни камайтиришлари зарур бўлади. Агар бирор корхона чиқиндилар чиқариш ҳажмини камайтира олмаса, амалда чиқиндилар чиқариш ҳажмини камайтиришга эришган бошқа корхоналардан ортиқча квотани сотиб олишларига тўғри келади. Бундай ҳолатда, квота нархи, айнан углерод нархи ҳисобланади.

Углеродга нарх белгилаш иссиқхона газларини атроф-муҳитга чиқарганлик учун ҳақ тўлаш механизми сифатида иқтисодий жиҳатдан самарали бўлган сиёсий восита ҳисобланади. Углеродга нарх белгиланиши, пировард натижада атроф-муҳитга иссиқхона газлари чиқарилишини глобал миқёсда камайтиришни молиявий рағбатлантиради. Истиқболда, углерод бозорида нархлар шаклланиши узоқ муддатли инвестицияларни жалб қилиш ва кам углеродли ривожланишни рағбатлантиришга олиб келади.

Углерод квотаси - давлат томонидан иқтисодиёт субъектларига иссиқхона газларини чиқариш учун рухсат этилган меъёрдир. Квотани жорий қилиш бизнеснинг атроф-муҳитга салбий таъсирини чеклаш усулларидан бири ҳисобланади.

Халқаро амалиётда бир углерод бирлиги 1 тонна CO_2 эквивалентига тенг деб олинган. Углерод бирликлари углерод бозорларида сотилади ва сотиб олинади. Моҳиятига кўра, углерод бозорлари иссиқхона газлари чиқарилишини камайтириш мақсадида ташкил этилади.

Давлат корхоналарга иссиқхона газларини чиқарганлик учун қатъий талабларни қўйиши мумкин. Бироқ, кескин чораларни қўллаш бизнесга ва умуман иқтисодиётга салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин. Углерод бозорларининг фаолият кўрсатиши корхоналарга экологик жиҳатдан тоза технологияларни қўллашга ўтишни рағбатлантиради. Шунингдек, айрим ҳолларда, мазкур бозорда фойда олиш имконини ҳам тақдим этади.

Углерод бозорлари ***тартибга солинадиган ва ихтиёрий (тартибга солинмайдиган)*** турларга бўлинади.

Тартибга солинадиган углерод бозори корхоналардан атроф-муҳитга иссиқхона газларини чиқарганлик учун солиқ ундириш ёки квоталарни жорий қилиш орқали давлат томонидан назорат қилинади.

Ихтиёрий, яъни тартибга солинмайдиган углерод бозоридан атроф-муҳитга иссиқхона газларини чиқарганлик учун мажбурий тўловларни тўлаши керак бўлган тоифага кирмайдиган корхоналар фойдаланади. Бундай корхоналар углерод бирликларини бозордан сотиб олиш орқали ўзлари учун корхонанинг углерод изларини қисқартириш мажбуриятини олади. Бундан ташқари, корхоналар атроф-муҳит мухофазаси билан боғлиқ лойиҳаларни молиялаштиришда иштирок этиб, қўшимча углерод бирликларини яратишлари ҳам мумкин.

Айрим мамлакатлар иқлим ўзгаришларига қарши курашиш ва иссиқхона газлари чиқарилишини сезиларли даражада қисқартириш учун тартибга солинадиган углерод бозорини яратишга ҳаракат қилмоқда.

Корхоналар томонидан иссиқхона газлари чиқарилишини камайтиришга эришишнинг иккита иқтисодий усули мавжуд. Булар солиқлар ва квоталар орқали.

Углерод солиғини тўлаш худди жаримани тўлашга ўхшайди. Бунда корхоналар атроф-муҳитга иссиқхона газларини чиқарганлиги учун ҳукуматга маълум бир тўловни тўлайди. Бунда, корхона чиқарадиган иссиқхона газларининг бир қисми учун тўлов олинмаслиги мумкин. Аммо, маълум бир чегарадан ошгандан кейин тўлов олинади. Шунингдек, корхона ҳар бир тонна эмиссия қилган CO_2 эквиваленти учун солиқ тўлаш тартиби жорий қилиниши ҳам мумкин.


Одатда, қайси мамлакатда тартибга солинадиган углерод бозори мавжуд бўлса, иссиқхона газлари учун квота жорий қилинган. Агар корхона томонидан чиқарилган иссиқхона газлари белгиланган квотадан ошиб кетадиган бўлса, бунинг учун қўшимча пул тўлаш керак бўлади. Аммо, мазкур масалани ҳал қилишнинг яна усули бор. У ҳам бўлса, етишмаётган углерод бирликларини бошқа корхоналардан сотиб олишдир. Углерод бирликлари олди-сотди қилинадиган углерод бозорлари шу тарзда юзага келади.

Айрим пайтларда, корхона томонидан квотадан ортиқ бўлган иссиқхона газлари учун давлатга тўланадиган тўлов миқдори углерод бозоридаги углерод бирликлари баҳосидан юқори бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда корхона иссиқхона газларини чиқариш даражаси белгиланган квотадан паст бўлган бошқа корхонадан ортиқча углерод бирликларини сотиб олади. Шундай тарзда, паст углеродли технологияларга асосланган бизнес субъектлари тежалган углерод бирликларини иссиқхона газларини белгиланган квотадан ортиқча чиқарган корхоналарга сотиш орқали қўшимча даромад олиш имкониятига эга бўлишади.

Ихтиёрий углерод бозорининг ишлаш жараёнини қуйидагича изоҳлаш мумкин. Кўпчилик давлатларда иқлим ўзгаришларининг олдини олишга қаратилган лойиҳаларни амалга оширадиган ташкилотлар мавжуд. Бундай лойиҳалар сирасига ўрмонларни сақлаб қолиш ёки янги дарахтларни экишга қаратилган лойиҳаларни киритиш мумкин. Иқлим ўзгаришларига қарши бундай лойиҳаларнинг амалга оширилиши натижасида атмосферада иссиқхона газлари ҳажми камаяди. Бундай ташкилотлар атроф-муҳитни «яшиллаштириш» лойиҳалари орқали қўшимча углерод бирликларини юзага келтиради ва энг асосийси, уларни ўзлаштирмайди. Ўз навбатида, бошқа бозор иштирокчилари ушбу ташкилотлар томонидан шакллантирилган углерод бирликларини сотиб олиш эвазига ўз мажбуриятларини бажаришлари мумкин бўлади. Шундай тарзда, айрим корхоналар ўз фаолиятида зарарли чиқиндилар чиқариш миқдорини камайтирмасдан ҳам, атроф-муҳитни мухофаза қилиш тадбирларига ҳисса қўшади.

Кўп ҳолатларда компаниялар ихтиёрий углерод бозорига ўз мавқеини ошириш мақсадида ҳам киради. Ҳеч қандай давлат органи мазкур углерод бозорида компанияларни қатнашишга ва углерод бирликларини сотиб олишга мажбурламайди. Шунинг учун ҳам бундай углерод бозори тартибга солинмайди. Одатда, ихтиёрий углерод бозорида иштирокчилар сони унчалик кўп бўлмайди. Шу сабабли, тартибга солинмайдиган углерод бозори сайёрамиз миқёсида иссиқхона газларининг камайишига сезиларли таъсир кўрсатмайди. Шунингдек, ихтиёрий углерод бозорида углерод кредитлари билан олди-сотди қилиш амалиёти ҳукуматлар томонидан камдан-кам ҳолларда тан олинади.

1-расмда келтирилган маълумотларга эътиборимизни қаратадиган бўлсак, дунё миқёсида ETSдан фойдаланишни Европа Иттифоқига аъзо давлатлар, Швейцария, Янги Зеландия, Корея, Хитой каби давлатлар жорий қилган бўлса, Уругвай, Лихтенштейн, Жанубий Африка, Норвегия, Сингапур, Япония каби давлатлар углерод солиғидан фойдаланмоқда. Буюк Британия, Швеция, Финляндия, Франция, Канада каби мамлакатлар эса, бир пайтнинг ўзида мазкур воситаларнинг ҳар иккаласидан ҳам фойдаланиб келмоқда. Шу билан биргаликда Марказий Осиё давлатларидан биринчи бўлиб Қозоғистон Республикаси 2013 йилда маҳаллий ETSни қўллаш орқали углеродларга нархларни шакллантириш воситасини жорий қилган.




1-расм. Дунё мамлакатларида углеродлар нархи
(доллар/т CO_2; 01.04.2022 й. ҳолатига) [6].

Дунё мамлакатлари ичида 2022 йил 1 апрел ҳолатига кўра Уругвайда углерод солиғи миқдори энг юқори кўрсаткичга эга бўлиб, 1 тонна CO_2 эквиваленти учун 137 АҚШ долларини ташкил этган бўлса, Швеция, Лихтенштейн ва Швейцарияда бу кўрсаткич 130 АҚШ долларига тенг бўлган. Чиқиндилар билан савдо тизими воситаси бўйича иш юритаётган Европа Иттифоқи давлатларида 1 тонна CO_2 эквивалентидаги квота учун нарх 87 АҚШ долларига тенг бўлган. Дунё бўйича углерод солиғи миқдори энг паст бўлган давлатлар қаторига Япония, Украина ва Польшани киритишимиз мумкин. Мазкур давлатларда 1 тонна CO_2 эквиваленти учун нарх 1-2 доллар атрофида бўлган. Польшада эса, углерод солиғи миқдори 1 доллардан ҳам паст бўлган.

Европа Иттифоқидаги ETS ҳозирда дунёдаги энг катта тизимдир. У Европа Иттифоқининг барча 27 давлатида, шунингдек, Исландия, Лихтенштейн ва Норвегияда ҳам ишлайди. Бу эса, 11000 дан ортиқ йирик энергия фойдаланувчиларнинг, жумладан, электр станциялари ва саноат корхоналари, шунингдек, ETSга аъзо давлатлар ўртасида парвоз қилувчи авиа компанияларнинг чиқиндилар чиқаришини чеклайди [7].

2023 йил 1 август ҳолатига кўра, бутун дунё бўйлаб углерод солиғи ёки чиқиндилар билан савдо тизими (ETS) шаклида 74 та углерод нархини белгилаш механизми амал қилмоқда. Углеродларга нарх белгилаш механизми турли даражада амал қилаётганлигини кузатиш мумкин. Хусусан, уларнинг 31 таси маҳаллий даражада, 42 таси миллий даражада ва 1 таси давлатлараро даражада (Европа Иттифоқи ETS) фаолият кўрсатмоқда. Углерод нархини белгилаш механизмларига эга бўлган юрисдикциялар 2023 йилда глобал ялпи ички маҳсулотнинг 54 фоизини ва глобал иссиқхона газлари (ГИГ) эмиссиясининг 50 фоизини ташкил этади [8].



2-расм. Дунё миқёсида углерод солиғи ва ETSдан тушган тушум ҳажми (млрд. АҚШ долларида) [8].

Юқоридаги расм маълумотларидан кўриниб турибдики, 2016-2022 йилларда дунё миқёсида углерод солиғи ва чиқиндилар билан савдо тизимидан тушаётган тушумлар ҳажми ўсиб бориш тенденциясига эга бўлган. Фақат, 2022 йилда бундай тушумлар ҳажми 2021 йилга нисбатан 4,1 млрд. АҚШ долларига камайган. 2016 йилда дунё бўйича углерод солиғи ва ETSдан тушган тушумлар ҳажми 16,9 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган бўлса, 2022 йилда бу кўрсаткич ҳажми 93,4 млрд. АҚШ долларини ташкил этган. Яъни, тушумлар ҳажми 2022 йилга келиб, 2016 йилга нисбатан қарийиб 5,5 мартага ошган. 2022 йилда дунё миқёсидаги углерод бозорларида чиқиндилар билан савдо тизими (ETS)дан тушган маблағлар ҳажми 63,7 млрд. АҚШ долларини ёки умумий тушумнинг 68 фоизини ташкил этган. Углерод солиқларидан тушган тушум ҳажми 29,7 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, мазкур кўрсаткич жами тушумнинг 32 фоизига тўғри келган. Эътиборли жиҳати шундаки, 2016 йилдаги ҳолатга кўра умумий тушумнинг 2/3 қисми (яъни 11,4 млрд. АҚШ доллари) углерод солиқлари ҳиссасига, қолган 3/1 қисми (яъни 5,5 млрд. АҚШ доллари) ETS ҳиссасига тўғри келган. Дунё миқёсида углерод солиғи ва ETSдан тушган тушум ҳажмининг таркиби борасида 2022 йилда 2016 йилга қараганда тескари тенденция юзага келган. Бу ҳолатни Европа Иттифоқидаги чиқиндилар билан савдо тизими (EU ETS) ривожланишининг янги босқичга кўтарилиши билан изоҳлаш мумкин.

Европа Иттифоқида чиқиндилар билан савдо тизимидан (EU ETS) тушган маблағларнинг маълум бир қисмини *Инновациялар жамғармасига* ва *Модернизациялаш жамғармасига* ажратиш амалиёти йўлга қўйилган. Инновациялар жамғармаси паст углеродли инновацион технологияларни молиялаштиришга йўналтирилган дунёдаги энг йирик лойиҳалардан бири ҳисобланади. Мазкур жамғармани ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад кам

углеродли ишланмаларни саноат миқёсида татбиқ этиш ва уларни бозорга олиб чиқиш ҳисобланади (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Европа Иттифоқида саноатни қўллаб-қувватлаш мақсадида EU ETSдан тушган молиявий маблағлардан фойдаланиш йўналишлари [9], [10].

Восита	Инновациялар жамғармаси	Модернизациялаш жамғармаси
Маблағлар шаклланиши	40 млрд. евро, 2020-2030 йилларда (530 млн. EU ETS квота)	Жами EU ETS квоталарини сотишдан тушган тушумнинг 2 фоизи, 2021-2030 йилларда
Мақсад	Кам углеродли ишланмаларни саноат миқёсида татбиқ этиш ва бозорга олиб чиқиш	Европа Иттифоқига аъзо бўлган нисбатан кам даромадли 13 та мамлакатни қўшимча қўллаб-қувватлаш
Сарфланиши	1. Энергия истеъмоли юқори бўлган саноат тармоқларида мавжудларига нисбатан кам углеродли инновацион технологияларни яратиш. 2. Қайта тикланадиган энергия манбаларининг янги авлодини яратиш бўйича инновацион ечимлар. 3. Энергияни сақлаш тизимлари ва технологиялари. 4. Атмосферадан углеродларни ушлаш ва уларни қайта ишлаш (CCU). 5. Углеродни ушлаш ва сақлаш технологияларини яратиш ва улардан фойдаланиш (CCS).	1. Қайта тикланадиган энергия манбаларини ишлаб чиқиш ва ишлатиш. 2. Қайта тикланадиган энергия манбалари ҳисобига иситиш ва совитиш. 3. Иқтисодиётнинг турли тармоқ ва соҳаларида энергия самарадорликни таъминлаш. 4. Энергия тармоқларини хусусан, марказий иситиш тизимлари, электр тармоқлари ва ўтказиш қувурларини модернизациялаш. 5. Кам даромадга эга бўлган уй хўжаликларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг иситиш тизимлари ва инфратузилмасини янгилаш. 6. Қазиб олувчи ёқилғиларга боғлиқ минтақаларда мазкур соҳада ишлаётган ишчи ва ходимларни ўқитиш ва профессионал қайта тайёрлаш орқали уларни стартап лойиҳаларга жалб қилиш ва ишга жойлаштириш бўйича бошқа ташаббусларни амалга ошириш.

Европа Иттифоқи Инновациялар жамғармаси маблағларини шакллантиришга 530 млн. EU ETS квота ажратиш орқали 2020-2030 йилларда жамғарманинг инвестициялаш имкониятларини 40 млрд. еврога (углерод бирлигининг ўртача нархи 75 евро/т CO_2 ҳисоблаганда) етказишни кўзда тутган.

Европа Иттифоқида углерод бирликлари Германиянинг Лейпциг шаҳридаги Европа энергия биржаси (EEX)да аукционлар орқали сотилади. Углерод бирликларини ким ошди савдолари орқали сотиш квоталарни тақсимлашнинг шаффоф усулларидан бири ҳисобланади. Мазкур усул орқали «ифлослантирувчи тўлайди» деган тамойил амалда қўлланилади.

Инновациялар жамғармаси белгиланган методологияга асосан ҳисоблаб чиқилган мунтазам топшириладиган грантлар доирасида лойиҳа қийматининг 60% гача, танлов савдолари асосида амалга ошириладиган лойиҳалар қийматини 100% гача молиялаштиради. Инновация жамғармаси маблағлари ҳисобига энергия истеъмоли юқори бўлган саноат тармоқларида мавжудларига нисбатан кам углеродли инновацион технологияларни яратиш, қайта тикланадиган энергия манбаларининг янги авлодини яратиш бўйича инновацион ечимлар, энергияни сақлаш тизимлари ва технологиялари, атмосферадаги углеродларни ушлаш ва уларни қайта ишлаш (CCU) ҳамда углеродни ушлаш ва сақлаш технологияларини яратиш ва улардан фойдаланиш (CCS) билан боғлиқ лойиҳаларни молиялаштириш имконияти мавжуд.

Модернизациялаш жамғармаси 2018 йилда Европа Иттифоқига аъзо бўлган, аҳоли жон бошига тушадиган даромад нисбатан кам бўлган 13 та давлатда энергия тизимларини модернизация қилиш ва энергия самарадорлигини оширишни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган. Жамғарма 2021 йилдан 2030 йилгача фаолият кўрсатиши кўзда тутилган. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш орқали бенефициар давлатларга ўз мамлакатларида иқлим ўзгаришларига қарши курашиш ва «Европа яшил битими»да назарда тутилган мақсадларга эришишда кўмак беришга қаратилган.

Модернизациялаш жамғармасининг молиявий манбаси 2021-2030 йилларда жами EU ETS квоталарини сотишдан тушган тушумнинг 2 фоизи ҳисобига, кейинчалик 2024-2030 йилларда эса, 2,5 фоизи ҳисобига шаклланиши белгиланган. 2021-2030 йилларда Модернизациялаш жамғармасининг молиявий манбаси 57 млрд. еврога (углерод бирлигининг ўртача нархи 75 евро/т CO_2 ҳисоблаганда) етиши кўзда тутилган. Модернизациялаш жамғармаси маблағларидан 1-жадвалда келтирилган 6 та устувор йўналишдаги лойиҳаларни молиялаштиришда фойдаланиш белгиланган. Мазкур жамғарма бенефициар мамлакатлар масъуллигида, Европа инвестициялар банки (ЕИБ) ва Европа Комиссияси билан ҳамкорликда фаолият кўрсатади. Юқорида қайд этиб ўтилган субъектлар Модернизациялаш жамғармасининг Инвестиция қўмитаси аъзолари ҳисобланишади. Инвестиция қўмитаси аъзоларининг роли EU ETS қоидаларида белгиланган.

ЕИБга Европа Иттифоқида иқлим ўзгаришларига қарши курашиш ва «яшил» лойиҳаларни молиялаштиришга ихтисослашган молиявий муассаса сифатида қаралмоқда. Мазкур банк Европа Иттифоқи ва ундан ташқарида Европа Иттифоқининг «Яшил битим» мақсадларини илгари суради. «Яшил» лойиҳаларни давлат бюджети маблағлари, хусусий инвестициялар ва банк кредитлари ҳисобига ҳамкорликда молиялаштиришни қўллаб-қувватлайди.

Европа Иттифоқи унга аъзо бўлган давлатлар учун EU ETSни жорий қилиш билан чекланмоқчи эмас. Яқин келажакда Европа Иттифоқи импортга углерод солиғини жорий қилишни режалаштирган. Бу дегани, маълум бир вақтга келиб Европа Иттифоқи юрисдикциясидан ташқарида бўлган компаниялар ўз маҳсулотларини Европа Иттифоқига аъзо бўлган давлатларга экспорт қилмоқчи бўлса, ўз маҳсулотлари углерод излари учун қўшимча солиқ ёки божларни тўлашлари керак бўлади. Хусусан, Европа Комиссияси 2019 йилда «European Green Deal», яъни «Европа яшил битими» деб ном олган таклифлар тўпламини ишлаб чиқди. Мазкур битимдан жой олган асосий таклифлардан бири «трансчегаравий углеродни тартибга солиш механизми»ни (CBAM – Carbon Border Adjustment Mechanism) жорий этиш ҳисобланади. Бу амалда, Европа Иттифоқига экспорт қилинадиган углерод излари юқори бўлган маҳсулотларга солиқ солинишини англатади. Европа Иттифоқи мазкур механизмни икки босқичда амалга оширишни режалаштирган. Хусусан, биринчи босқичда компаниялар 2023 йилдан бошлаб ўз маҳсулотларига оид углерод изларининг ҳажми тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этиб боришлари керак бўлади. 2026 йилдан бошланадиган иккинчи босқичда эса, компаниялар ўз маҳсулотларининг углерод излари ҳажмидан келиб чиқиб тўловларни амалга оширишларига тўғри келади. Биринчи босқичда CBAM тартибга солиш қоидаларига пўлат, цемент, азотли ўғитлар, алюминий ва электр энергияси импорти киритилиши маълум бўлди. Яқин орада водород, пластмасса ва органик кимёвий маҳсулотларнинг киритилиши ҳам кўриб чиқилмоқда. Келажакда эса, бундай маҳсулотлар рўйхати янада кенгайиши мумкин. Бундай ҳолат, Европа Иттифоқи мамлакатларига маҳсулотларини экспорт қилувчи миллий ишлаб чиқариш корхоналарига ҳам таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Бундан шуни хулоса қилиш мумкинки, Европа Иттифоқи COVID-19 пандемиясидан кейинги даврда бизнес юритиш стандартларига атроф-муҳитни мухофаза қилиш билан боғлиқ талабларни тобора кучайтириб бормоқда.


Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда ҳам 2024 йилдан бошлаб чиқиндилар билан савдо тизими йўлга қўйиладиган бўлди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 октябрдаги «Саноат ва унинг базавий тармоқларини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-169-сонли Фармонига мувофиқ, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги тизимида давлат муассасаси шаклида ташкил этилган «Яшил иқтисодиёт лойиҳалари маркази» лойиҳа офиси «иссиқхона газлари савдоси» соҳасида давлат томонидан тартибга солиш ва халқаро ҳамкорлик бўйича ишчи орган сифатида белгиланиб, «иссиқхона газлари савдоси» миллий тизими 2024 йил 1 июндан тажриба-синов тариқасида йўлга қўйилиши ҳамда 2025 йил 1 январдан энергетика ва саноат тармоқларида тўлиқ жорий қилиниши белгиланди [11].

Энди эътиборимизни масаланинг бошқа тарафига қаратамиз. Сайёрамизни ифлослантиришда қазиб олинадиган ёқилғиларнинг ўрни тобора ортиб бормоқда.

Дунё миқёсида атмосферага чиқадиган барча иссиқхона газлари чиқиндиларининг 70% дан ортиғини «ифлос» ёқилғилар ташкил этади [12].

Шундай бўлишига қарамасдан, кўплаб мамлакатларда нефтъ, газ ва кўмир каби қазиб олинадиган ёқилғилар, шунингдек, электроэнергияни ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқарувчилар ёки истеъмолчиларга давлат томонидан катта ҳажмда субсидиялар тақдим этиб келинмоқда. 2022 йилда қазиб олинадиган ёқилғиларга тақдим этилган глобал миқёсдаги субсидиялар ҳажми 1,1 трлн. АҚШ долларидан ошди. Бундай ўсиш глобал энергия инқирози сабабли энергия бозоридаги узилишлар жараёнида юзага келди. Дунё миқёсида ёқилғи нархларининг кўтарилиши кўплаб истеъмолчилар амалда тўлайдиган харажатлардан анча ошиб кетди. Хусусан, 2022 йилда Россияда газ ва электроэнергия учун тақдим этилган жами субсидиялар ҳажми 161,0 млрд. АҚШ долларини ташкил этган. Мазкур кўрсаткич мамлакат ЯИМнинг 7,0 фоизига тенг бўлган. Эронда нефтъ, газ ва электроэнергияга ажратилган субсидиялар миқдори 127,0 млрд. АҚШ долларига тенг бўлган ёки тақдим этилган субсидиялар ҳажми мамлакат ЯИМнинг 36,0 фоизи атрофида бўлган. ХХРда нефтъ, газ ва электроэнергия сингари учта ёқилғи компонентига тақдим этилган субсидиялар ҳажми 104,0 млрд. АҚШ долларини ёки ЯИМнинг 1,0 фоизини ташкил этган (3-расм).



3-расм. Дунёнинг айрим мамлакатларида қазиб олинадиган ёқилғиларга субсидиялар ажратилиши (млрд. АҚШ долларида) [13].

Шунингдек, 2022 йилда Қозоғистонда қазиб олинадиган ёқилғилар ва электроэнергия учун тақдим этилган жами субсидиялар ҳажми 35,0 млрд. АҚШ долларини, Ўзбекистонда 23,0 млрд. АҚШ долларини, Украинада 19,0 млрд. АҚШ долларини, Туркманистонда 15,0 млрд. АҚШ долларини ва Озарбойжонда 11,0 млрд. АҚШ долларини ташкил этган. Глобал миқёсда қазиб олинадиган ёқилғилар ва электроэнергия учун ажратилган субсидиялар 2022 йилда 2021 йилга қараганда қарийиб 2 баробарга, 2020 йилга қараганда эса, 4 баробарга ошганлигини қайд этиш

мумкин.

Ўзбекистонда 2022 йилда нефтъ учун 2,0 млрд. АҚШ доллари, газ учун 15,0 млрд. АҚШ доллари, электроэнергияга 6,0 млрд. АҚШ доллари, жами 23,0 млрд. АҚШ доллари миқдорида субсидиялар тақдим этилган. Албатта, бу рақамлар мамлакатимиз учун ҳам, бошқа мамлакатлар учун ҳам катта рақамлар ҳисобланади. Тўғри, қазиб олинадиган ёқилғилар ва электроэнергия учун субсидиялар ажратиш ва уларнинг миқдорини белгилаш ҳар бир давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий сиёсатидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Бироқ, дунё миқёсида иқлим ўзгаришларининг олдини олиш мақсадида қазиб олинадиган ёқилғиларга боғлиқликни камайтириш ва қайта тикланадиган энергия манбалари имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Таклиф-тавсиялар

1. Мамлакатимизда Европа Иттифоқи тажрибасига таянган ҳолда атроф-муҳитга зарарли газларни чиқарганлик учун юридик шахсларга «ифлослантирувчи тўлайди» тамойили асосида тўловларни жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай тўловларни жорий қилиниши бюджетга қўшимча даромад келтиради. Атроф-муҳитга зарарли газларни чиқарганлик учун бюджетга келиб тушадиган маблағлардан қуйидаги йўналишларда:

а) республикамизнинг «яшил» иқтисодиётга ўтиши ва «яшил» ўсишни таъминлаш билан боғлиқ мақсадли кўрсаткичларида кўзда тутилган фаолият ва лойиҳаларни молиялаштиришда;

б) ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари учун энергия тарифларининг ошган қисмини қоплаш мақсадларида фойдаланиш тавсия этилади.

2. Европа Иттифоқидаги сингари мамлакатимизда ҳам Инновациялар ва модернизациялаш жамғармасини ташкил этиш ҳамда ҳар йили «иссиқхона газлари савдоси» миллий тизими орқали углеродларни сотишдан келадиган тушумнинг ¼ қисмини мазкур жамғарманинг молиявий манбаларини шакллантиришга йўналтириш зарур. Жамғарма маблағларидан фойдаланишда ғолибни танлов (тендер) савдолари орқали аниқлаш мажбурий шарт қилиб киритиш мақсадга мувофиқ. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш йўналишларига Европа Иттифоқида қабул қилинган йўналишларни ва миллий шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда бошқа зарур йўналишларни киритиш мумкин.

3. Европа Иттифоқи томонидан СВАМ қоидаларининг жорий қилинишига Ўзбекистон Ҳукумати ва мазкур бозорга ўз маҳсулотларини экспорт қилувчи корхоналар ҳозирданоқ тайёргарлик кўриши керак, - деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун, халқаро бозорларда миллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида «яшил» иқтисодиётга ўтиш билан боғлиқ глобал тенденцияларни чуқур тадқиқ этган ҳолда тегишли чора-тадбирлар қабул қилиниши керак. Хусусан, миллий ишлаб чиқарувчиларни:

- СВАМ қоидаларига тайёрлаш ва мослаштириш;
- фаолиятларида ESG тамойилларини кенг жорий қилиш;
- энергия тежамкор ишлаб чиқаришга ўтиш;

- «яшил» инвестициялар киритишни оммалаштириш зарур бўлади.

4. Мамлакатимизда ёқилғиларга субсидиялар ажратиш масаласини қайта кўриб чиқиш лозим. Хусусан, энергия ресурсларига босқичма-босқич бозор нархларини жорий қилиш бундай ресурслардан самарали фойдаланишга олиб келади. Ўз навбатида, энергия ресурсларига бозор нархларининг жорий қилиниши ишлаб чиқарувчиларга маънавий ва жисмоний эскирган асосий воситаларини янгилаш ва етказиб бериш хизматлари сифатини яхшиланишига олиб келади. Қазиб олинадиган ёқилғилар ва уларнинг ҳисобига электроэнергияни ишлаб чиқариш атроф-муҳитга катта зарар етказишини инобатга олиб, бундай субсидиялардан аста-секин воз кечиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Shuitu Qian, Wenzhe Yu, Green finance and environmental, social, and governance performance, International Review of Economics & Finance, Volume 89, Part A, 2024, Pages 1185-1202, ISSN 1059-0560, https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S1059056023003386.

2. Исаджанов А.А. “Яшил иқтисодиёт”: хусусиятлари ва ривожланиш омиллари. “Иқтисодиёт ва таълим” журнали. 2020 й. 1-сон. 12-18 б.

3. Обломуродов Н.Н. Углерод-нейтраллик ва яшил инвестициялар. Scientific Journal of “International Finance & Accounting” Issue 5, October 2023. ISSN: 2181-1016, http://interfinance.tfi.uz/?p=3414

4. Инновационный проект Всемирного банка поможет Узбекистану сократить выбросы и выйти на международные углеродные рынки (worldbank.org).

5. State and Trends of Carbon Pricing 2021. The World Bank (2021). https://openknowledge.worldbank.org/handle/10986/35620

6. http://hdl.handle.net/10986/37455

7. https://www.lse.ac.uk/granthaminstitute/explainers/how-do-emissions-trading-systems-work/

8. https://www.i4ce.org/en/publication/global-carbon-accounts-2023-climate/

9. https://climate.ec.europa.eu/eu-action/eu-funding-climate-action/innovation-fund/what-innovation-fund_en

10. https://climate.ec.europa.eu/eu-action/eu-funding-climate-action/modernisation-fund_en#type-of-support-and-synergies-with-other-instruments

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 октябрдаги «Саноат ва унинг базавий тармоқларини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-169-сонли Фармони. Манба: https://lex.uz/docs/6633676

12. Hannah Ritchie, Pablo Rosado and Max Roser (2020) - “Emissions by sector: where do greenhouse gases come from?” Published online at OurWorldInData.org. Retrieved from: https://ourworldindata.org/emissions-by-sector [Online Resource]

13. https://www.iea.org/topics/energy-subsidies